

## Хуқуқбузарликлар Профилактикаси Хизматининг Жинойтчиликка Қарши Кураш Фаолияти

**Мухторов Жўрабек Сайидкулович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси  
доценти, юридик фанлар номзоди, доцент


**Аннотация:** В данной статье освещены сущность профилактических мер по предупреждению преступлений, анализ и классификация проводимых реформ и нормативно-правовых актов, роль профилактических служб и взаимодействия в борьбе с преступлением, выявление, изучение причин совершения преступлений и условий, им способствующих, принятие научно обоснованных мер по их устранению.

**Ключевые слова:** “Смарт махалля”, “Махаллинский пункт правопорядка”, виды профилактики правонарушений, “Безопасный дом”, “Безопасный двор”, эффективные пути организации профилактической деятельности.

Ички ишлар органларини бошқариш ва ушбу хизматда фаолият олиб бораётган ходимларнинг меҳнатини ташкил қилишнинг илмий асосларини билиш ҳозирги шароитда ички ишлар органларининг раҳбарлари, мутахассислари ва бошқа ходимлари фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш учун зарурдир<sup>1</sup>.

Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда самарали фаолият олиб боришлари:

- а) Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолияти тўғри ташкил этилишига;
- б) уларнинг вазибалари аниқ белгилаб қўйилишига;
- в) улар билан ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг самарали таъминланишига бевосита боғлиқдир.



<sup>1</sup> Қаранг: Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 3.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришнинг мураккаблиги қуйидагилар билан чамбарчас боғлиқ:

*биринчидан*, ҳудуддаги оператив вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва тўғри баҳолаш;

*иккинчидан*, вазифаларни ўз вақтида ва тўғри режалаштириш;

*учинчидан*, фаолиятни амалга оширишда тактик усулларни оператив вазиятга қараб мунтазам равишда ўзгартириш;

*тўртинчидан*, фан ва техника янгиликларидан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш;

*бешинчидан*; жамоат тартибини сақлаш ва жинойтчиликка қарши курашдаги илғор тажрибаларни кенг жорий этиш;

*олтинчидан*, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ва кенг жамоатчилик билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият юритиш.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш ўз ичига маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, улар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш, жинойтчиликни башорат қилиш ва унга қарши курашни режалаштириш, натижаларни тўғри баҳолаш ҳамда қарорлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилишни қамраб олади<sup>2</sup>.

Шунингдек, мазкур хизматнинг самарали фаолияти, авваламбор, профилактика объектлари ҳақида олинган ахборотнинг тўлиқ ва аниқлигига боғлиқ. Шунинг учун улардан биринчи навбатда профилактик чора-тадбирлар йўналтирилиши керак бўлган объектлар ҳақида барча маълумотларни аниқлаш, йиғиш ва ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш талаб қилинади.

Жинойтларнинг олдини олиш фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

1. Жинойтларнинг олдини олиш бўйича оператив вазиятга мослашиш ҳамда асосий вазифалар ва курашиш усуллари билан таништиришда;
2. Фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларда қонунга итоаткорликни шакллантиришда;
3. Жинойтларнинг олдини олишга тўсқинлик қилувчи ёлғон ахборотнинг таъсирини йўқотишда;
4. Жинойтларнинг олдини олиш бўйича турли идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини бошқаришда<sup>3</sup>.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолиятини самарали ташкил этишда ахборот ҳамда ахборот технологияларининг ўрни алоҳида. Хусусан, содир этилиши мумкин бўлган хуқуқбузарликлар, жумладан жинойтлар ҳақидаги тўлиқ ва аниқ маълумотлар жинойтларнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган чора-тадбирлар муваффақиятининг гаровидир<sup>4</sup>. Жумладан: турли хил хуқуқбузарликлар, содир этилиши режалаштирилаётган жинойтлар ва бошқа ҳодисалар ҳақида аҳолидан олинган маълумотлар ички ишлар органлари, хусусан, профилактика хизматлари фаолиятини самарали ташкил этишда, жинойтчиликка қарши кураш фаолиятида йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда, жинойт сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати жинойтчиликка оид маълумотларни таҳлил

<sup>2</sup> Криминология / Под ред. акад. В.Н.Кудрявцева, проф. В.Е.Эминова. – М., 1997. – С. 117.

<sup>3</sup>Қаранг: *Зиядуллаев Д. Ш.* Ички ишлар идоралари ахборот тизими ва технологиясидан фойдаланишдаги долзарб масалалар // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Т., 2001. – Б. 235.

<sup>4</sup>Қаранг: *Кадиров Ф.* Жинойтнинг олдини олишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти // Жинойтчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар. – Т., 2003. – Б. 63.

этиб, ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланадилар. Зеро, таҳлилий иш қабул қилинадиган қарорларни асослаш ва тизим фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган ҳамда сабабий алоқалар, тамойиллар ва қонуниятларни аниқлаш борасида амалга ошириладиган тадқиқот ва билиш фаолиятидир<sup>5</sup>. Таҳлилий ишнинг мақсади турли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва асослаш, шунингдек амалиётнинг умумий тамойиллари ва ҳодисаларини тушуниб олишдан иборат<sup>6</sup>.

Шунингдек, содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишда таҳлилий ишга асосланган ҳолда келажақдаги жиноятчилик ҳақида қилинган башорат ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, криминологик башорат ижодий жараён бўлиб, унда муайян асослар орқали ҳозирда содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишнинг янги йўналишлари ва келажақда содир этилиши мумкин бўлган жинойи қилмишларнинг олдини олишга оид ҳулосалар шаклланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати олинган маълумотларни таҳлил этиш ва унинг асосида ишлаб чиқилган криминологик башорат асосида жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қиладилар.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар мажмуи самарали натижаларни бермоқда.

Профилактик чора-тадбирларнинг хусусиятлари:

*биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни профилактик ҳисобга олишда;

*иккинчидан*, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган носоғлом оилаларни аниқлаш ва профилактик ҳисобга олишда;

*учинчидан*, қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда;

*тўртинчидан*, алкоголизм ва гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга тегишли тиббий ёрдам кўрсатишда;

*бешинчидан*, муқаддам судланган шахслар қайта жиноят содир этишларининг олдини олишга қаратилган ишларни амалга оширишда;

*олтинчидан*, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ва тегишли тартибда жавобгарликка тортишда;

*еттинчидан*, жиноят содир этиб қидирувда юрган ёки бедарак йўқолган шахсларни топишда;

*саккизинчидан*, аҳоли билан профилактик учрашувлар ташкил этишда яққол намоён бўлади.

Маълумки, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати жиноятларнинг олдини олиш вазифаларини самарали амалга ошириш мақсадида ўз фаолиятларини бошқарув қарорларига асосланган ҳолда режалаштирадилар. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини режалаштириш ушбу фаолиятда иштирок этаётган кучларнинг тўғри тақсимланишини, жойларда жиноятларнинг тарқалиш даражасига қараб аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига нисбатан профилактик чора-тадбирларнинг ташкил қилинишини таъминлайди<sup>7</sup>.

Мазкур хизмат фаолиятини режалаштиришда жамоатчилик фикри ҳам инобатга олинади. Зеро, “умумреспублика босқичида жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларидан: аҳолини

5 Қаранг: Веселый В.В. Методика и процедура аналитической работы в МВД,УВД.–М.,1974.С.74.

6 Қаранг: Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. – Т., 2005. – Б. 152.

7 Қаранг: Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. – Т., 1996. – Б. 222.

жиноятчиликнинг ҳолати ҳақида хабардор қилиш ва ҳуқуқий тарғиботни самарали ташкил этишда; аҳоли орасида ички ишлар органлари обрўсини кўтариш, унинг ижобий нуфузини яратишда; ички ишлар органларининг ривожланиш концепциясини шакллантириш ва модификациялашда; ички ишлар органларининг аҳоли билан ўзаро муносабатига оид ижтимоий стратегияларни ишлаб чиқишда; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин”<sup>8</sup>.

Режаларнинг бажарилиш муддати тугаши билан юқори турувчи профилактика хизматлари томонидан назорат тартибида кримнологик таҳлил ўтказилади. Мазкур таҳлил: жиноятчиликнинг аҳоли, йўналиши ва тузилишида қандай ўзгаришлар юз бераётгани, режада белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи қандай сабаб ва шароитларнинг бартараф этилишига эришилгани, қайси чора-тадбирлар натижа бериб, қайсилари самарасиз бўлганлиги, қайси криминоген омилларнинг таъсири давом этаётгани, қайсилари эса янги пайдо бўлганини, уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши кераклиги, тузилмалар фаолия-тидаги камчиликлар, ходимларнинг қонунийликка риоя қилишлари; тузил-маларнинг моддий-техник аҳоли каби омилларни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, ўз навбатида, уларнинг зарур техника ва алоқа воситалари ҳамда бошқа жиҳозлар билан қай даражада таъминланганига ҳам боғлиқ.

“Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг мутлақо янги – “*Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати*” деган тизими йўлга қўйилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар доирасида алоҳида эътибор ички ишлар органларини халқчил давлат идорасига айлантиришга ҳамда ҳар бир ходимнинг хизмат фаолиятини халқ манфаатлари йўлида сафарбар этишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5005-сон Фармонида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича бугунги кунга келиб 90 дан зиёд норматив-ҳуқуқий, 200 га яқин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг қабул қилиниши натижасида ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаси, тезкор-хизмат фаолияти ва ходимлар олдига қўйилган талаблар мутлақо янгича тус олиб, аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиш таъминланди.

Ислохотлар натижада, бевосита маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга таъсир кўрсата оладиган, ихчам ва мобил ички ишлар органлари тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ – 3528-сон қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида ички ишлар органларида профилактика инспекторлари, тезкор, тергов ва паспорт хизматларидан иборат 73 та ички ишлар органлари бўлимларининг фаолияти бевосита секторларда ташкил этилиб, улардаги ходимлар сони кўпайтирилди”<sup>9</sup>.

8 Қаранг: Пулатов Ю. С. Жамоатчиликнинг ички ишлар органлари фаолиятига оид фикрларини ўрганиш натижаларидан фойдаланиш даражаси ва йўналишлари//Ҳуқуқ-Право-Law.–2003.№4.Б. 21.

9 Ички ишлар органлари фаолиятига оид раҳбарий ғоялар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2019. – 813 б. – Б. 3-6.

Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида республикада 6 838 та “Жамоатчилик назорати масканлари” ташкил этилиб, уларда хизмат олиб боришга ҳар куни 21 мингдан ортиқ жамоатчилик вакиллари жалб этилмоқда. Олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида содир этилган жиноятлар сони камайишига эришилди. Кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари ва маҳалла вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида жиноятларда иштирок этган хотин-қизлар сони, ёшлар жиноятчилиги, муқаддам судланганлар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари камайгани диққатга сазовор.

Мазкур ижобий кўрсаткичларга эришишда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан узвий боғлиқ “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз туризмни таъминлаш”, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”, “Хавфсиз хонадон” каби ўзига хос янги концепцияларнинг ҳаётга жорий этилганлиги ҳам муносиб хизмат қилди. Таъкидлаш лозимки, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 3786-сонли қарори асосида Тошкент шаҳрида уч босқичли, кеча-ю кундуз ишлайдиган патруль тизими йўлга қўйилди. Натижада, келиб тушган хабарлар бўйича нарядларнинг воқеа жойига 5-7 дақиқа ичида етиб боришига эришилди. Ҳамкорликда ташкил этилган тадбирлар натижасида, кечки ва тунги вақтларда содир этилган жиноятлар сони камайиб, қидирувдаги жиноятчи ушланди ва жиноят “изи йўқолмасдан” фош этилиши таъминланди.<sup>10</sup>

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони асосан ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишининг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;
- ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;
- “республика – вилоят – туман – маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;
- Ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш ва ҳ.к.лар.

---

<sup>10</sup> Қаранг: Ўша манбаа. – Б. 3-6.

Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “Smart маҳалла” ахборот дастури ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.



Шунингдек, ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан “профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат” қилиб бориш амалиёти жорий этилди.

Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

- Тошкент шаҳридаги 24 та ички ишлар бўлимлари ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшатилаётган штат бирликлари пойтахт ички ишлар органларининг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларини кучайтиришга йўналтирилиши;
- жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этилиши;
- туман ва шаҳар пробацция бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ИИОнинг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробацция ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгиланиши
- Тошкент шаҳри тажрибасига асосан республиканинг барча ҳудудларидаги ИИБ (бўлинмалари)ни ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимларини мақбуллаштириш ҳамда бўшайдиган штат бирликларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига йўналтириш чораларини кўриниши белгиланди.

Шунингдек, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони имзоланди.

Мазкур фармон билан Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда иш фаолиятини олиб бориши бўйича тўлиқ механизмларни назарда тутувчи “шаҳар инспектори” ва “қишлоқ инспектори” моделлари яратилиб, улар бўйича ўқишлар ташкил этилди.

Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омиллари “илмий диагноз” асосида аниқлаш ва “илмий диагноз хулосаси” билан “E-jamoat havfsizligi” ахборот тизими орқали расмийлаштириш тартиби жорий қилинди.



Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни илмий баҳолаш асосида таҳлил қилиш ва “илмий баҳолаш хулосаси”ни расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

### **Жиноятчиликка қарши кураш шакл ва усулларини ривожлантириш масаласида:**

- Содир этилган жиноятларнинг асл омилларини аниқлаш ва бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ваколат доираси аниқ белгиланди.
- Ички ишлар органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди органларнинг маҳаллалар кесимида уюлмаган ёшлар билан ишлашнинг ташкил этиш бўйича ўзаро боғланган тўлиқ механизмлари жорий этилди.
- **“Ижтимоий профилактика”, “пробацион профилактика”, “тергов профилактикаси”, “суд профилактикаси”ни** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари сифатида жорий этиш ва уларни қўллашнинг аниқ механизмлари белгиланди.
- Мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилалар ҳамда оилавий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув – **“Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли”** тизими асосида амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.
- Маъмурий назорат ва профилактик ҳисоб институтлари негизида профилактик назорат институти жорий қилинди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда алоҳида эътибор илгари жиноят содир этган шахсларни тўлиқ ижтимоий мослаштириш, озод этилганидан сўнг жамиятнинг муносиб аъзоси сифатида шакллантиришга қаратилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида ички ишлар органлари фаолияти самдорлигини ошириш, уни мутлақо янги замонавий босқичга кўтариш, мазкур хизмат ходимларининг аҳоли билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими **“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”**ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга қаратилган кенг қўлланма ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар органлари жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашадиган ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширадиган халқчил органга айланди. Ушбу жараёнда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириб бориш, уларни қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш, улар томонидан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати амалий фаолиятида қўлланилаётган янги тизим, албатта, ўз самарасини беради. Бу янги тизим профилактика хизматлари фаолиятини самарали ташкил этишда ҳамда профилактик ишларни жонлаштириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан бири эканлигини унутмаслик зарур. Бизнингча, янги тизимнинг самарали натижа бериши мазкур тизимда фаолият кўрсатаётган ички ишлар органлари ходимлари ва фуқароларнинг фидойилиги, жонкуярлиги, интилувчанлиги ҳамда улар ўртасида ҳамкорликни самарали ташкил этишга боғлиқ.